

Эҳромга кирган илк зиёратчиларимиз Маккага йўл олишди



12:38 / 16.05.2025 1024

Бугун, 16 май куни Мадинаи Мунавварадаги ўзбекистонлик зиёратчиларнинг дастлабки гуруҳлари эҳромга кириб, Мадина шаҳри яқинидаги мийқот – Зулхулайфа водийсида таматту ҳажининг умрасини ният қилиб, Маккаи Мукаррамага йўл олишди.

Таъкидлаш жоиз, «Ҳаж – 2025» мавсумида зиёратчиларга намунали хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳаж ибодатларини гўзал адо этишлари учун айна кунларда ишчи гуруҳи томонидан Макка шаҳрида ҳам жорий мавсумга кенг кўламли тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди.

Маълумот ўрнида муқаддас икки шаҳарнинг ораси 460 километрни ташкил этади. Ушбу масофа замонавий автобусларда ўртача тезликда 5-6 соатда босиб ўтилади.

Аллоҳ таоло Маккаи мукаррамага отланган юртдошларимизнинг сафарларини муборак қилсин, Байтуллоҳ ёнида дуо қилишни барчамизга насиб этсин!